

**Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг
2018-2023 йиллардаги фаолияти юзасидан
МАЪЛУМОТНОМАга
23-ИЛОВА**

Аудит текшируви якуни бўйича Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китобини ҳисоблашда фарқлар аниқланмади.

III. ЯКУНИЙ ҚИСМ

III.1. Аудиторлик текшируви якуни бўйича тавсиялар:

- Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 14.01.2004 йилда №1297 сон билан рўйхатга олинган «Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги НИЗОМ» талабларига риоя қилиш, бухгалтерия ҳисоби «1-С Предприятие 7.7» компьютер дастури орқали тўғри юритилишини таъминлаш.

- Шарномаларни тўғри ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, назоратни кучайтириш мақсадида Палатага таалукли барча кирувчи ва чиқувчи шартномаларни белгиланган тартибда рўйхатга олиш дафтарини юритилишини таъминлаш;

- ёқилғи мойлаш материаллари бўйича алоҳида, бошқа товар моддий қийматликлар бўйича алоҳида материаллар кирим-чиқими ҳисоботларини белгиланган тартибда раҳбарият тасдиғи ва масъул шахсларнинг ҳисоботларни тўғри тузилганлигини тасдиқловчи имзолари ва ҳамда моддий жавобгар шахсларнинг имзолари билан ҳисоботлар тузилиб кенгаш бухгалтериясига тақдим этилишини таъминлаш, ҳар бир энгил автомобилни босиб ўтган масофаси, олинган ва сарфланган ёқилғи миқдорлари белгиланган нормалар бўйича иктисод ёки ортикча сарф қилинганлиги таҳлил этиб бориш;

- Ўзбекистон Республикаси 21- БХМСга асосан Кенгашнинг Устав фаолияти ва СМЕТАсида кўрсатилган харажатларни (9400-счётлар "Давр харажатлари") 8830 «Мақсадли тушумлар» счётининг дебетига ёпишини, СМЕТАсида кўрсатилган харажатларни "молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот"да кўрсатмасликни, "молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот"ни фақат тадбирколик, тижорат фаолиятдан олинган даромад ва харажатлар бўйича тўғри тўлдирилишини таъминлаш;

- Давлат бюджетига солиқларни ҳисоблашда амалдаги Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ Кодекси» ва унга киритилган ўзгаришларга амал қилиш;

III.2. Аудиторлик текшируви якуни бўйича хулоса.

Палатада 2023 йил 7 ой якуни бўйича аудиторлик таҳлили шуни кўрсатадики, кенгашда бухгалтерия ҳисоби умумий олинганда "1-С Предприятие 7.7" дастури орқали, дастлабки бухгалтерия ҳужжатларига асосан, 21-сонли БХМС-га асосан бухгалтерия ўтказмалари берилиб юритилган.

Давлат бюджетига таалукли Солиқлар ва ижтимоий солиқларни ҳисоблашда имтиёزلардан тўғри фойдаланилган. Аудит таҳлилида кўрсатилган хато ва камчилликларни тўғрилаш имкониятлари мавжуд бўлиб, палатанинг 2023 йил 7 ой якуни бўйича бухгалтерия кўрсаткичларини бузилишига жиддий таъсир кўрсатмайди.

Палатада бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини юритиш бўйича амалга оширилган операциялар Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби юритиш тартибининг конун ҳужжатларида белгиланган талабларига мувофиқ бажарилган.

**МЧЖ шаклидаги «GREAT FOURS»
аудиторлик ташкилоти директори:**



Л.А.Мадрахимов